

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ЎҚУВ-МАШҒУЛОТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎРНИ

Xolova Shaxnoza Mardonovna-O'qituvchi, O'zbekiston –Finliyandiya pedagogika instituti, Jismoniy madaniyat, sport va maktabgacha ta'lim fakulteti, “Jismoniy madaniyat nazariyasi va metodikasi” kafedrası
Rayimov Firdavs– 2 kurs talabasi

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ахборот-коммуникация ҳамда инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш таълим-тарбиянинг бошқа соҳалари каби деярлик тўла қамраб олмақда.

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантиришни дастурида кўзда тутилган шарт-шароитлар яратиш, кадрларни сифатли тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, жисмоний тарбия дарслари ва спорт машғулотларининг самарали хусусиятларини кенг ёйиш борасидаги илғор педагогик технологиялар, намунали тажрибаларни ўрганиш ва уларни оммалаштириш асосий мақсадлардан бири ҳисобланади.

Ўқув жараёнларида алоҳида жисмоний тарбия таълимида педагогик технологиялар ҳамда ахборот технологиялари умумий ҳолда қўлланилиши соҳа олимларининг ўқув – услубий қўлланмаларида ҳам батафсил баён этилган.

- Машқлар (дастур бўлими) бўйича мақсад ва вазифаларни белгилашда матн ва машқ ўйинларининг қисмларини (элементар) АКТ орқали намоёниш этиш (дидактик усул) кўрсатиш ва таҳлил этиш;

- Гимнастика, енгил атлетика, спорт ўйинлари турларида (асосан дарслар) мураккаб машқ ўйинларини видеотасвирга олиш, видеопроектор орқали улардаги ижобий ва салбий техник – тактик амалларни таҳлил этиш, баҳолаш;

- Ўқувчи ёшларни ахборот олиш, ўз ҳаракат фаолиятларини янада яхшилашга интилиш каби интеллектуаль салоҳиятларини тарбиялаш мақсадида дарслар жараёнида мустақил равишда техник воситаларга қизиқтириш;

Ўзбекистон республикаси, хусусан мамлакат жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантиришда ахборот технологияларини жисмоний тарбия ва спорт таълимида тадбиқ этиш тадбирлари янги бурилишлар бўлиши мумкин. Бунда спортдаги иқтидорли ўқувчи ўғил ва қиз болаларни спортга қизиқтириш уларни спортга сафарбар этиш, машғулотлар асосида танлаш, саралаш ва маҳоратли спортчиларни тарбиялаб етиштириш муҳим ўринда туради. Шу билан биргаликда телерадио, матбуот, турли спорт тадбирлари орқали ахборот технологиялари маҳсулотларининг кенг оммага сингдириш, аҳолининг соғлом турмуш тарзини кўламини янада бойитиш амалга оширилмоқда.

Таълим муассасалари ахборот коммуникация ва технологиялар, янги техник воситалари бўйича мутасадди давлат идоралари замонавий таълимда ахборот технологияларини тадбиқ этишнинг янги йўналишларини ишлаб чиқиш билан бу соҳани такомиллаштиришда илғор тажрибага эга деб хулосага келса бўлади. Ўқувчи ва талаба ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт бўйича касб танлаши, ўқиши кадрлар малакасини ошириш йўлида ахборот технологияларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш учун:

- 1.Профессор–ўқитувчилар малакасини оширишда ахборот технологиялари фаолияти билан тўла қуроullanтириш.
- 2.Мутахасисликка доир назарий фанлар ва спорт ихтисослиги (танланган спорт тури) фанлари бўйича ўқитиш дастур ва лойиҳаларни ахборот технологиялари асосида ишлаб чиқиш ва амалда жорий этиш.
- 3.Дарслар ва спорт машғулотлари ҳамда ўқув машғулотларида талабаларнинг мустақил равишда видеотасвирларга олиш, кичик филмлар яратишга шароитлар яратиб бериш.
- 4.Чет эт тажрибаларидаги ва юртимизда бошқа соҳалар бўйича ишлаб чиқилган янги ахборот технологияларининг лойиҳаларини доимий равишда ўрганиб боришни кундалик вазифаларга айлантириш зарур бўлади.